


ISSN 2091-5616

AGRO ILM

Махсус сон

**Илм бўлмаган жойда, изланиш бўлмаган жойда
ҳеч қандай соҳада ривожланиш, юксалиш ва
умуман ушбу соҳанинг келажаги бўлмайди.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ



МУНДАРИЖА

<p>Ў. УМУРЗАКОВ, Б. МИРЗАЕВ, Т. СУЛТАНОВ. Асосий максад – етук муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш 3</p> <p>А. МАМАТАЛИЕВ. Ўтлок тупроқлар шароитида ғўзани сугориш 5</p> <p>Т. ТЎРАЕВ, Д. МУРОДОВА, М. ЖОМАРДОВА. Оқсоқ-ота ҳудуди тоғ-жигарранг тупроқлари агрохимёвий хоссаларининг сугориш таъсирида ўзгариши 6</p> <p>С. МАНСУРОВ. Каттакўрғон сув омбори тубида чўккан лойқа оқизиклар миқдорини баҳолаш 7</p> <p>И. РЎЗИЕВ, С. НУРЖАНОВ. ГАТ дастурий таъминоти ёрдамида фермер хўжалиklarининг гидроизогинос харитасини тузиш ва юритиш 9</p> <p>Х. ЛАПАСОВ, А. ДОЛИДУДҚО. Влияние технологии орошения на урожайность хлопчатника сортов "Ан-Боевут-2" и "Пахтакор-1" в условиях лугово-сероземных почвах 10</p> <p>С. ИСАЕВ, Ш. АХМЕДОВ, А. ГЕНЖЕМУРАТОВ. "Хоразм-127" ғўза навини сугоришнинг пахта ҳосилдорлигига таъсири 12</p> <p>Д. ЮЛЧИЕВ, Д. ЕРГАШОВА. Фитомелиоратив тадбирлар ёрдамида тупроқ унумдорлигини тиклаш 13</p> <p>М. АВЛАКУЛОВ, А. ХАМИДОВ. Водно-солевой режим при различных уровнях грунтовых вод 14</p> <p>С. КАСЫМБЕТОВА, Д. ЕРГАШОВА. Оценка качества оросительной воды 16</p> <p>С. ХОДЖАЕВ, М. ТАШХАНОВА. Интенсификация внедрения принципов интегрированного управления водными ресурсами орошаемых земель 17</p> <p>М. ХАМИДОВ, Б. СУВАНОВ, Г. АХМЕДЖАНОВА. Разработка мероприятий по использованию слабоминерализованных вод для орошения сельскохозяйственных культур 19</p> <p>И. УРАЗБАЕВ, Ш. МАРДИЕВ. Анализ способа и техники полива хлопчатника в низовьях Амударьи 20</p> <p>Д. НАЗРАЛИЕВ, С. МАНСУРОВ. Сурхондарё ҳавзаси дарёларининг муаллақ оқизиклари йил давомида ойлар бўйича тақсимланиши 21</p> <p>Э. ИСМАИЛОВА, Б. МУҚИМОВ, Д. МУСТАФАЕВА. Техника олий таълим муассасаларида махсус фанларни модул технологияси асосида ўқитиш 23</p> <p>Д. МАДАЗИЗОВА, Ш. РАУПОВА. Бруцеллёз – асорати хавfli касаллик 25</p> <p>Б. МАТЯҚУБОВ. Сугориш технологияларининг тупроқ намланишига ва пахта ҳосилдорлигига таъсири 26</p> <p>Ш. АЗИЗОВ. Томчилатиб сугоришнинг тупроқ сув-физик хусусиятлари ва микроклимига таъсири 27</p> <p>Ш. БОТИРОВ. «Ибрат» ғўза навининг мақбул парвариши 29</p>	<p>М. МУХАММАДИЕВА, К. МУСАЕВ. Сув эрозияси, дарё оқизиклари ва ўзандаги жараёнлар 30</p> <p>А. ХОЖИЕВ, Ф. АБДУСАМАТОВА. Қишлоқ ва сув хўжалиги ташкилотларида меҳнат муҳофазаси ишларини яхшилашнинг аҳамияти 31</p> <p>А. АТАЖАНОВ, М. САТТАРОВ. Ер устидан эгатлаб сугориш усулини такомиллаштириш технологияси ва техник воситасини яратиш 33</p> <p>М. БАКИЕВ, Т. МУСЛИМОВ, Ж. ЧОРИЕВ. Фермер хўжаликлари учун кўчма сув ўлчагични конструкциялаш 35</p> <p>М. БАКИЕВ, Х. ХАСАНОВ. Кум-ша-ал материалларини казиб олиш карьерларининг таснифи ҳамда уларнинг дарё ўзанларига салбий таъсирлари 36</p> <p>Т. МАВЛАНОВ, Э. ТОШМАТОВ, И. ЗОКИРОВ. Моделирование основных задач системной безопасности гидротехнических сооружений 38</p> <p>Т. СУЛТАНОВ, Ж. ЯРАШОВ, Т. МАВЛОНОВ. Оценка состояния оболочечных элементов гидротехнических сооружений и их защита от различных динамических воздействий 38</p> <p>А. ЛИ, Л. БАБАЖАНОВ. Послеуборочная обработка семян люцерны 41</p> <p>М. МУСТАФОЕВ, Р. ТУРСУНБАДАЛОВА. Результаты натурных исследований соединения открытых потоков 42</p> <p>Б. ХАКИМОВ, И. АШИРБЕКОВ, Э. ШАРИПОВ. Анализ физических основ процесса абсорбции и совершенствование системы подачи дизбиогидролизных топливных смесей в ДВС 43</p> <p>Р. МУРАДОВ, А. ХОЖИЕВ. Моделирование влаги и солеперенос в начальный период развития растений 44</p> <p>А. ИГАМБЕРДИЕВ. Ғўза қатор ораларини кузги бугдой экишга тайёрлайдиган техник воситанинг ишчи органларини ишлаб бериш чўқурлиги бўйича барқарорлигини аниқлаш 45</p> <p>Д. АЛИЖАНОВ, Я. ЖУМАТОВ, М. ХОЛБУТАЕВ. Модулли чорвачилик фермаси 46</p> <p>Б. САРИМСАКОВ, М. БАРАТОВ. Ғўзапояли далаларни экишга тайёрловчи комбинациялашган агрегатнинг технологик ва конструктив параметрларини аниқлаш 48</p> <p>Ш. ГАППАРОВ, К. АСТАНАКУЛОВ. Озуқаларни майдалаб, аралаштирадиган кичик қурилмалар ишлаб чиқиш бўйича изланишлар 49</p> <p>Ш. ИМОМОВ, И. НУРИТОВ. Анаэробной переработки сельскохозяйственных отходов в биогазовых установках 50</p> <p>Н. АШУРОВ. Етарли даражада уюланмаган сомонни йиғиштириш муаммоси ва унинг ечимини излаш 51</p> <p>К. АСТАНАКУЛОВ. Соя ва унинг донининг физик-механик ҳамда ўримбоғлик хоссаларини аниқлаш 53</p>
--	--

«ИБРАТ» ҒЎЗА НАВИНИНГ МАҚБУЛ ПАРВАРИШИ

The growth of Ibrat cotton growing in typical-gray soils of Tashkent region; According to the phenological observations on harvesting, the growth of water and nutritional norms has accelerated in the growth of the main stem. The lack of moisture in the regime of 65-65-65% In comparison to 70-70-65%, cotton weight was 0,03-0,26 g, cotton yield was less than 1,3-3,3 t/ha.

Ўзбекистон дунёда энг шимоллий пахтачилик минтақаси бўлишига қарамай, мамлакатимиз селекция-нер-олимлирининг самарали меҳнатлари натижасида кейинги қатор йиллар давомида тезлишар, серҳосил ва тола сифати юқори бўлган ғўза навларини яратишда жаҳонда ўз ўрни-мавқеига эга. Селекционерлар томонидан яратилган ва ҳозирда районлаштирилган ва истиқболли навларнинг парваришlash агротехикасини ишлаб чиқишда уларнинг сув-озик меъёрлари истеъмоли ва суғориш тартиби муҳим аҳамият касб этади. Ваҳоланки, ҳар бир ғўза нави ўзининг агробиологик хусусиятларига мос равишда сув-озик меъёрларига талаби ҳар хил бўлади [1].

Шунинг учун ғўза навларини сув-озик меъёрлари истеъмоли, суғориш тартибини ўрганиш ва сув-озик меъёрларини тежаш масаласи деҳқонларимиз олдида турган долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда.

Юқоридаги муаммоларни қисман бўлса-да ҳал қилиш мақсадида ўрга толали «Ибрат» ғўза навининг сув-озик меъёрлари истеъмоли ва суғориш тартибини дала, ишлаб чиқариш тажрибалари асосида ўргандик.

Ягона тажриба тизими асосида ПСУЕАИТИ марказий тажриба ҳўжалиги типик-бўз тупроқлар шароитида тадқиқот (2009–2011 йиллар) ишларини олиб борилди.

Тадқиқотлар ПСУЕАИТИда ишлаб чиқилган услубий қўлланмаларга риоя қилган ҳолда ўтказилди [2].

Дала тажрибалари ва синовларда тупроқдаги сув олди намлик тартибини икки варианты ЧДПСга нисбатан 65-65-65%, 70-70-65%, НРКнинг уч меъёри N-160, P-112, K-80 кг/га, N-190, P-133, K-95 кг/га ва N-220, P-154, K-110 кг/га (соф ҳолда) таъминланган ҳолда ўрганилди.

Мавсум бошида тажриба даласининг сув-физик ва агрохимёвий хоссаглари аниқланди. Тажриба даласининг мавсум бошида тупроқнинг ҳажм оғирлиги, чекланган дала нам сизими (ЧДПС) %, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги аниқланди. Тупроқнинг ҳажм оғирлиги 0–70 см. да 1,36 г/см³, 0–100 см. да 1,37 г/см³ тенг бўлди. Чекланган дала нам сизими 0–70 см. да 21,7%, 0–100 см. да 21,9 фоизга тенг бўди. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида 899 м³/га, ни ташкил этди.

Тажриба даласида гумус миқдори: 0–30 см. ли қатламда 0,954 фоизга тенг ва унинг таркиби ҳайдовости қатламида (30–50 см) 0,741 фоизгача камайд.

Тупроқ намлигининг энг пастки чегарасини аниқлаш энг долзарб муаммолардан биридир. Бундай намликда ўсимликнинг ўсиб-ривожланиши, ҳосил тўплаши, илдиз тизимининг ер устки қисми билан ўзаро нисбати мутаносиб бўлса, экиндан мўл ҳосил олиш мумкин.

Суғориш тайёрланган дастур асосида олиб борилди. Ғўза навини олдиндан белгиланган суғоришолди намлиги асосида ±0,5–2,0% фарқи билан суғордик.

«Ибрат» навини ЧДПСга нисбатан 65-65-65% режимда 1-3-2 тизим асосида, суғориш оралиги 17–26 кун, амал-ўсув даврида 790–1130 м³/га, мавсум давомида 5760 м³/га суғоришган ушбу вариантда тупроқ намлиги стишмаслиги ҳолати кузатилди.

ЧДПСга нисбатан 70-70-65% режимда 1-4-2 тизим асосида, суғориш оралиги 14–24 кун, амал-ўсув даврида 690–950 м³/га, мавсум давомида 5980 м³/га суғорилганда ўсимликнинг ўсиб-ривожланиши, ҳосил тўплаши бирмунча юқори бўлганлиги кузатилди.

«Ибрат» навининг ўсиб-ривожланиши, ҳосил тўплаши бўйича фенологик кузатишларнинг далолат беришича, сув-озик меъёрларининг оширилиши ҳолатида навда бош поянинг ўсиши тезлашди. «Ибрат» навида 65-65-65% режимда нам етишмаслиги, 70-70-65% режимда нисбатан бир кўсақдаги пахта вази 0,03–0,26 г, пахта ҳосилдорлиги 1,3–3,3 ц/га оралигида кам ҳосил олинди (жадвал).

Сув-озик меъёрларининг ғўза навлари ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири

Вар. №	Теримолди кўчат қаллиғи, минг туп/га	Кўсақлар сони, дона	1 дона кўсақдаги пахта вази, г	Пахта ҳосили, ц/га	Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га	Сув сарфи, м ³ /ц
1	98,5	9,1	4,3	35,4	5760	162,7
2	99,4	8,9	4,83	36,7		156,9
3	99,0	9	5,07	38,2		150,8
4	100,2	8,7	4,33	36,7	5980	162,9
5	99,1	8,8	5,07	37,1		161,2
6	99,6	8,6	5,33	41,5		144,1
				НСР ₀₅ =0,2 ц/га	S _к =0,52 %	

Вариантлардан олинган пахта ҳосилини Б.А.Доспеховнинг усули бўйича математик ишлов берилди [3]. Тошкент вилояти типик-бўз тупроқлари шароитида олиб борилган дала тажрибалари асосида қуйидагича хулосага келишимиз мумкин:

1. ЧДПСга нисбатан 65-65-65% бўлганда навда нам етишмаслиги сезилди ва бу пахта ҳосилдорлигига таъсир этди.

2. Бу навда ЧДПСга нисбатан 70-70-65%, яъни 1-4-2 схемада 5980 м³/га сув берилганда, ўғит меъёри N₂₂₀P₁₅₄K₁₁₀ кг/га берилган вариантда юқори ҳосилдорликка эришдик. Ҳосилдорлик 41,5 ц/га га етди.

Олиб борган тажрибамизни таҳлил қилиб шу хулосага келидик:

Ўрга толали «Ибрат» ғўза навини 70-70-65% намликда суғориш, ўғитлар меъёри N₂₂₀P₁₅₄K₁₁₀ кг/га берилгани маъқул.

Ш.БОТИРОВ,

к.х.ф.н., доцент, (ТИКХММИ).

АДАБИЁТЛАР

1. Хамидов М.Х., Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.Б. Қишлоқ ҳўжалиги гидротехника мелiorацияси. - Тошкент: «Шарқ», 2008. - 408 б.
2. Нурматов Ш ва бошқалар. «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари». Тошкент, ЁАИТИ, 2007.
3. Доспехов Б.А. «Методика полевого опыта». - Москва: «Колос» 1979.